

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 211 (11.272) Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Кеча сатрларда

- **ЎЗБЕКISTON** тарихи Давлат музейида Юнусов тумани фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, ёшлар, Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман Кенгаши аъзолари иштирокида ўтказилган тадбир ноябрь-декабрь ойларида уюштирилаётган маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва маслаҳатчилари сайловига қўрилаган таътирлик масаласига бағишланди.
- «**ЗАРАФШОН**» концерт залда «БАТКВШИНА» украин миллий маданият маркази ташаббуси билан ташкил этилган болалар фестивали «Украина бўйлаб саёҳат» деб номланди.
- **ШАХРИМИЗДА** «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан Ёшлар йилига бағишлаб «Соғлом турмуш тарзи» мавзусида ўтказилган тадбирда Республика Скрининг маркази ҳамда барча вилоятлардаги Скрининг марказлари шифокорлари иштирок эттишти.
- **ТОШКЕНТ** автомобил ва йўллар институтида талабалар, ўқувчилар иштирокида ўтказилган тадбирда ёшларнинг гивандлик, жиноятчилик ботқоқига ботиб қолмасликлари учун курашнинг самарали усуллари ҳақида ўзаро фикр алмашилди.
- **ШАХРИМИЗДА** ёшлар ўртасида ўтказилаётган «Ёш дизайнерлар ва модельерлар» танлови якунланди.
- «**ЎЗБЕКISTON** футбол» ва «Спорт» газеталари соврини учун футбол бўйича оммавий ахборот воситалари жамоялари ўртасида ташкиллаштирилган Олимпон Акбаров хотира турнири қолиби ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
- **ТОШКЕНТ** педагогика касб-хунар коллежиде Чилонзор туманидаги «Ёш оила қурувчилар» мактаби тингловчилари иштирокида ўтказилган навабдаги ўқув семинари «Оила — муҳаббат қасри» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ПАВИЛЬОНЛАРИДА 27 ОКТЯБРЬ КУНИ РЕСПУБЛИКА САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИОН БИРЖАСИ БОШЛАНДИ



САНОАТЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ЮРТИМИЗДА ИККИНЧИ БОР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЎЗБЕКISTON САНОАТЧИЛАРИ ФОРУМИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН УЧ ЮЗДАН ЗИЁД КОМПАНИЯ ВА КОРХОНА ЎЗ МАХСУЛОТЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ИШТИРОК ЭТМОҚДА. ФОРУМНИНГ БИРИНЧИ КУНИ «НАВОЙИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ», «ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ», «В.П.ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ, «ЎЗБЕКISTON ҚАТТИҚ ҚОТИШМАЛАР ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ, «ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АКЦИЯДОРЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҲАМДА «ЎЗБЕККЎМИР» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кончил ва металлургия Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор соҳаларидандир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси ўларок, мазкур тармоқлар жадал ривожланимда. Юртимизда янги табиий конларни ўзлаштириш ва мавжуд минерал-хомашё захираларини казиб олиш ва қайта ишлашда замонавий технологияларни жорий этиш борасида олиб борилаётган кен қўламли ишлар юксак самаралар бермоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда қўлай сармоявий муҳит яратилган хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашда муҳим омил бўлаётди.

— Комбинатимизга қарашли заводларда ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин кенгайиб бормоқда, — дейди «Навоий кон-металлургия комбинати» бош директорининг ўринбосари Сергей Лисенко. — Санаят ярмаркаси ва кооперацион биржанинг аънавий тус олгани фойдали иш бўлди. Ўтган йилги ушбу форум доирасида юз миллиард сўмликдан зиёд шартномалар имзоланган эди. Бу йилги ярмарка ва биржага тақлиф этилган янги махсулотларимиз сони янада ортди. Илгари мамлакатимизда



ЎЗБЕКISTON ҚАТТИҚ ҚОТИШМАЛАР ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ

қўлаб корхоналар бир-бирининг фаолияти ва имкониятларини унчалик яхши билмас эди. Кооперацион биржа қўлаб махсулотларни, жумладан, хомашёни ўзимизда ишлаб чиқариш имкониятлари кенг эканлигини намойён этмоқда. Эндилдиқда уларни мамлакатимиз корхоналаридан сотиб олишимиз мумкин. Мазкур биржа бизга қўлаб компаниялар билан янада яқин алоқа ўрнатиб, янги шериклар топиш имконини бераётди.

«ЎЗБЕКISTON ҚАТТИҚ ҚОТИШМАЛАР ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

«Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлургия комбинати»дан сотиб олиш имконига эга бўлди. Айни пайтда металл қайта ишлаш корхоналари зарур ускуналарни комбинатимиздан харид қилмоқда. Мазкур ярмарка ва биржа турдош корхоналар билан янада яқин алоқа ўрнатиб, янги шериклар топиш имконини бераётганидан жуда мамнунмиз. Бу галги кооперацион биржада қарийб йигирма миллиард сўмлик шартномалар имзоланиши режалаштирғанмиз.

Нодира **МАНЗУРОВА**,
УЗА мухбири
СУРАТЛАРДА: ярмаркадан лавҳалар
Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган суратлар

Фармон ва ижро

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ 1 МАЙДА ИМЗОЛАНГАН «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИгининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлашга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратори, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, Тошкент давлат юридик институти олимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

қурилишининг, ички ва ташқи сиёсатнинг энг устувор йўналиши этиб белгилангани ва амалда самарали таъминланаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон қўрилган илк халқаро-ҳуқуқий ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди.

Декларация қодалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топан. Ўзбекистон ушбу меъёрларни, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича қўшилган бошқа халқаро ҳужжатлар талабларини қатъий ва изчил бажариб келмоқда.

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий асослари яратилиши баробарида унинг амалда таъминлашини қузатувчи қатор тизимлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Амалдаги

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий асослари яратилиши баробарида унинг амалда таъминлашини қузатувчи қатор тизимлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Амалдаги

Шу кунларда Францияда Темурийлар даври тарихи ва маданиятининг ўрганиш француз ассоциациясининг 20 йиллиги нишонланмоқда. Ушбу сана муносабати билан Парижда Темурийлар ассоциацияси аъзолари, Франция вазирлик ва идоралари, ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари вакиллари иштирокидаги қатор маданий тадбирлар бўлиб ўтди.

FRANCIYADA TEMURIYLAR ASSOCIATSIYASINING 20 YILLIGI NIшонланди

Мамлакатимизнинг Парижда элчихонасида бўлиб ўтган ўзбек шеърят ва музыка кечасида халқимизнинг забардаст шоирлари — Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Нодиробегим асарларидан парчалар ўзбек ва француз тилларида томошаларнинг эътиборига ҳавола этилди. Шеърини намуналар француз тилида «Комеди Франсез» театри актёри, Дижон шахри миллий театри директори Франсуа Шато томонидан ўқилди. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева қўйлаган хис-туйғуга бой газаллар бетакор шарқона нафосат муҳитини яратди.

Тадбир чоғида Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан оқибатда ўзбек халқининг маданияти, илмий-маънавий салоҳиятини, миллий қадриятларини чўқур тадқиқ этиш ва тиклашга қатта эътибор қаратиб келинаётгани таъкидланди, шунинг билан Амр Темур ва temuрийлар даври меросини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани қайд этилди.

Амир Темур тарихда муҳир дипломат, мамлакатлар ўртасидаги дўстона алоқалар ва савдо иқтисодий муносабатлари ривожлантириш тарafdори бўлган шахс сифатида ҳам эркин эл қолдириган. У Европа билан Осиё ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга ҳизмат қилган кенг миқёсли ишларни амалга оширган, дунёнинг турли қишлоқларида давлатлар билан алоқалар ўрнатган.

Темурийлар даври тарихи ва маданиятининг ўрганиш француз ассоциацияси асосчиси ва раҳбари профессор Люсьен Керен Темурийлар даври тарихи тўғрисида бир катор китоб ва илмий мақолалар муаллифидир. Жумладан, унинг «Самарқандда Темур даври сари йўл» китоби нафақат француз ва ўзбек олимлари, балки бутун Европа тадқиқотчилари ҳамда жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уюштириб, қўлаб тилларга таржима қилинди.

Тадбирда профессор Л. Керен сўзга чиқиб, Амир Темурнинг инсоният тарихидаги

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Жойларда вилоят фаолларининг 2008 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Президентимизнинг шу йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари бўйича келгусидаги вазифаларга бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Фаолларнинг таҳлил ва танқид руҳидаги шундай йиғилишлари Навоий, Жиззах, Фарғона ва Хоразм вилоятларида бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан Нукус шаҳрида «Йод этишмовчилиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг Қорақалпоғистон Республикасида бажарилишига бағишланган йиғилиш ўтказилди.
- Кеча Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Бухоро шаҳар ҳокимлигида вилоят Адлия бошқармаси томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлаб уюштирилган учрашувда Олий Мажлиси Сенати аъзолари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, нодавлат ташкилотлар, ОАВ ходимлари ҳамда ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари қатнашди.
- Тошкентда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштиришга бағишланган янги лойиҳанинг тақдими бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Европа Иттифоқи комиссияси, БМТнинг болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.
- «Жарқўргоннефть» корхонасига четдан келтирилган замонавий технологияларнинг ўрнатилиши туфайли бу ерда тайёрланаётган махсулот тури биттага қўпайди. Яъни ушбу Ўзбекистон-Россия корхонасида йилга 30 минг тоннадан ортқ битум эмульсиясини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ҳамда ишлаб чиқариш қувватининг оширилиши ҳисобига 25 та янги иш ўрни яратилди.
- Гулистон шаҳрида очилган Ўзбек-Хитой қўшама корхонасида «Мунис» номли юк мотоцикллари ишлаб чиқарилмоқда. Ёш тадбиркор Шуҳрат Суяровнинг сазй-ҳаракатлари билан очилган бу корхонага Хитойнинг «Хаян» ва «Пана» корхоналари 700 минг АҚШ доллари қийматидаги сармоялари билан улуш қўшилди. Корхона ишга тушган дастлабки ойнинг ўзида 70 та мотоцикл тайёрланиб, бозорга чиқарилди.

ЖАҲОНДА

- Кеча Франция пойтахти Парижда йирик халқаро ҳарбий-денгиз кўргазмаси очилди. Унда етакчи мамлакатлар томонидан шу соҳадаги энг сўнгги ишланмаларнинг макетлари намойиш этилмоқда.
- Халқаро валюта фонди глобал молиявий инқироздан қийналаётган Украина учун 16,5 миллиард АҚШ доллари миқдорига кредит ажратди. Мазкур маблағи Украинада иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш ва инфляция фойзини камайтиришга йўналтирилган.
- Кеча АҚШда мамлакат президентлигига номзод Барак Обамага нисбатан уюштирилиши мўлжалланаётган суиқасд фож этилди. Ушбу жиноятни амалга оширишга уринишда гумон билан икки нафар неонацист қўлга олинди.
- Кеча Нью-Йорк биржасида ўтказилган савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 1,45 фоизга тушиб, 63,22 доллар миқдорига қайд этилди.
- Россия ва Норвегия Баренц ва Норвегия денгизларида балиқ овлаш кемаларини ҳамкорликда текшириш юзасидан ўзаро келишиб олишди.
- Тибетликларнинг диний раҳнамоси Далай-лама XIV лавозимини тарқ этишини билдирди. Бундан ташқари тинчлик учун Нобел мукофотининг соҳиби бўлган 73 ёшли Далай-лама Тибетнинг мустақиллигини қўлга киритиши йўлида амалга ошираётган ҳаракатини тўхтатишини маълум қилган.
- Англия шарқидаги тоғларда 2,5 мингта спортчи иштирокида ўтказилган аънавий марафон пайтида қучли шамол эсиб жала қуёшни натижасида юзга яқин қатнашчи бедарак йўқолди, 20 спортчи тан жароҳатларини олиб касалхонага ётқизилди.
- 2008 йилнинг сентябрида бортда Украинага тегишли бўлган танклар мавжуд «Фаина» кемасини қўлга олган Сомали қароқчилари агарда улар сўраган маблағ тўланмаса 24 соат ичида барча гаровга олинганларни ўлдириб, кемани йўқ қилишларини билдирдилар.
- Жанубий Корея, Хитой, Япония ва АСЕАН (Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси) нинг 10 та давлати биргаликда фонд ташкил этишга келишиб олишди. 80 миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағга эга бўладиган мазкур фонд минтақадаги иқтисодий инқирозга қарши курашади.
- Саудия Арабистонида 45 нафар жароҳ ва ҳамширлар томонидан 11 соат давомда қўшалок эсизакларни бир-биридан ажратиб олиш юзасидан амалга оширилган операция муваффақиятли якунланди.

(Давоми 2-бетда).



Кадриятларимиз МЕХРЖОН — МЕХР- САХОВАТ ВА ТЎКИНЛИК ТИМСОЛИ

**МУСТАҚИЛЛИККА ЮЗ ТУТТАНИМИЗДАН
КЕЙИН УНУТИЛИБ КЕТГАН УРФ-ОДАТ, УДУМУ
АНЪАНАЛАРИМИЗ ҚАТОРИ МИЛЛИЙ
БАЙРАМЛАРИМИЗ ҲАМ ТИКЛАНДИ. ЗЕРО,
МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАРИМИЗ ВА ХАЛҚ
САЙЛЛАРИ ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИКНИ
ҚАРОР ТОПИРИШ, ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ
ТИКЛАНИШИ ИНСОНПАРВАРЛИК,
ВАТАНПАРВАРЛИК ҚОЯЛАРИНИНГ КИШИЛАР
ДИЛИГА ЭГА БЎЛИШИДА ЎЗИГА ХОС ЎРИН
ТУТАДИ.**

Истиқлол туғайли қайтадан ҳаёт юз-ни кўрган тўкинлик, меҳр, саховат тимсоли бўлиши «Меҳржон» байрами ҳам Республикаимизнинг ҳар бир гўшасида сентябрь ойи сўнгидан октябрь ойининг охирига қадар кенг нишонланади. Собир Раҳимов туманидаги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ассалом, истиқлолнинг олтин фасли» номи аънавий «Меҳржон» меҳр ва саховат оммавий байрам-сайли ўтказилди. Ушбу қадимий ва хамиша навқирон байрам тадбири «Ёшлар йили» ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган бўлиб, ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий-методик маркази, халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Оқоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Республика «Тасвирий ойна» уюшмаси, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Собир Раҳимов туман ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилди. Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Собир Раҳимов туман ҳокими, сенатор Бахтиёр Ҳақимов, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт

ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, профессор Ўрозали Тошматов, Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий-методик маркази директори вазифасини бажарувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ўткир Тохиров, Тошкент шаҳар маданият ходимлари касабая уюшмалари кўмитаси раиси Саид Алимхўжаев, элшунос олим Билал Аминов, таниқли шоирлар Хайдар Мухаммад, Тўлан Кўзйбоев ва бошқалар иштирок этдилар. Байрам тадбирида сўзга чиққанлар «Меҳржон»нинг мазмун-моҳияти ва халқимиз ҳаётида тугган ўрни, умрбоқий аънаваларимизнинг бардавонлиги хусусида тўкинликни сўзладилар. Байрам сайли кунини Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида куз фаслининг кўрки бўлган шириндан шакар қовун-тарвузлар етиштирувчи деҳқонларнинг «Ширинлар» танлови, олма-узум, анор-ноқ етиштирувчи боғбонлар, қандолаччилар, новвойлар, халқ амалии санъати усталари ва хунармандлар томонидан тайёрланган махсулотларнинг савдо-ярмаркаси ҳамда кўргазмалар ташкил этилди. Бу ишларни амалга оширишда Республика Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Шредер номидаги рес-

публика боғдорчилик институти ҳамда «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси аяқидан ёрдам беради. Шунингдек, Ҳосилбой, Деҳқонбобо ва Меҳржонлар иштирокида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг таниқли санъаткорлари, ёш эстрада хондалари, халқаро «Шарқ тароналари» фестивалининг олий ўрин совриндори Нодира Пирматова, Тошкент шаҳридан Абулқосим Тўйчиев ва Убайдулла Абдуллаев бошчилигидаги аскиячилар гуруҳи, қизқич Зокир Урмонов, Наманган вилоятидан Косончи туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли миллий дорбозлик ва аънавий цирк санъати гуруҳи, Сергели туман маданият уйи қошидаги «Карвон» халқ кўғирчоқ театри, Бухоро шаҳрида ўтказилган «Рақслар гулшани» номи ёш раққос ва раққосаларнинг Республика кўрик-танлови ғолиблари, Тошкент вилоятдан Олмалик шаҳар маданият уйи қошидаги «Шахноз» ва Сирдарё вилоятдан Гулистон шаҳар маданият уйи қошидаги «Таманно» ашула ва рақс ансамбллари, республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий методик маркази қошида фаолият кўрсатаётган хонанда Махфуза Боймирзаева ва раҳбарлигида «Дурдона» фольклор-этнографик ансамбли ҳамда Тошкент шаҳридаги



Талибжон Содиқов номидаги маданият уйи, Чилонзор туманидаги «Машраб» номидаги маданият уйларида фаолият кўрсатаётган бадий-ҳаваскорлик жамоалари иштирокида тайёрланган театрлаштирилган томоша дастури намойиш этилди. — «Меҳржон»дек қадимий, энг яхши қазилат ва одатларимиз акс этган, буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний таъкидлаганидай «Кўёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, «Наврўз» ва «Меҳржон» замоннинг икки кўзидир» қабилидаги, байрамнинг бугунгидек катта тантаналар билан нишонланиши барча йиғилганларнинг дилларини хушнуд этди, — дейди элшунос олим Билал Аминов. — Ўйлаймики, йилдан йилга «Меҳржон»нинг файзу таровати ошиб боради, худди Наврўзи олам қаби ҳар бир инсоннинг қалб тўридан ўрин олади. «Меҳржон» меҳр ва саховат оммавий байрам-сайли якунида тадбирда фал иштирок этган қатнашчиларга ташкилотчилар томонидан Фаҳрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди. **Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: А.Қодирий номи боғда бўлиб ўтган «Меҳржон» байрами мана шундай файз-тароватли ўтди. Ҳақимжон Солихов олган суратлар**

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТНИНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ

**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МОСКВАДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ
КАРИМОВНИНГ «ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН
ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60
ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИНГ БАЖАРИЛИШИГА
БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбирда Россия Федерацияси Ташқи ишлари вазирлиги, Москва шаҳрида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидagi элчиси Б. Исломов брифингни очар экан, Ўзбекистон БМТга аъзо давлатлар орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлаб махсус Президент қарори чиққан санокли давлатлардан бири эканлигини таъкидлади. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг раиси, Ин-

сон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов маъруза қилиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжати бўлганлигини эътироф этди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, хусусан, БМТнинг 6 та асосий шартномаларига аъзо давлат сифатида ўз халқаро мажбуриятларини ҳамда инсоннинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги аниқ чора-тадбирларни мунтазам равишда бажариб келмоқда. А. Саидов жумладан жорий йилда давлат раҳбарининг ташаббуси бил-

ан суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишга бағишланган бир қатор мақсадли тадбирлар амалга оширилганлиги, хусусан, 2008 йил 1 январдан мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва «Хабес Корпус» демократик ҳуқуқий институтининг жорий этилиши, «Жамиятни ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ролини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни ва «Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг кўнга киритилганлиги ҳақида гапирди. Озарбойжон, Бразилия, Гана, Гватемала, Миср, Канада, Жанубий Корея, Куба, Латвия, Маврикий, Мадагаскар, Мексика, Голландия, Сенегал, Филиппин, Эстония давлатларининг элчилари, Босния ва Герцеговина, Катар, Словения давлатларининг муваққат ишлар вакиллари, Перу, Шри-Ланка давлатларининг юқори даражадаги дипломатлари ва брифингнинг бошқа иштирокчилари бир вақтнинг ўзиде

элчихонада Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига бағишланиб чоп этилган китоблар кўргазмасидан ҳам баҳраманд бўлишди. Тадбир якунида бир қатор иштирокчилар брифинг ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан, Россия Федерацияси Ташқи ишлари вазирининг ўринбосари А. Яковенко Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги бутун дунё ҳамжамияти учун улкан воқеалиқ эканини қайд этди. — Бизнинг мамлакатларимиз халқаро майдонда, БМТ доирасида ўзаро бир-бирига алоқдор ҳолда фаол ҳаракат қилади. Россия ҳам даврий равишда ана шундай тадбирли сар қейинроқ, келгуси йилнинг февраль ойида ўтказишни режалаштирган, шу маънода Ўзбекистондан бу борадаги тажрибаларни ўрганишдан манфаатдоримиз. Ўйлаймики, бизнинг БМТ доирасида инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳамкорлигимиз давом этади, — деди А. Яковенко. Голландия элчиси Ян Пул-Дирксе Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигини нишонлаш муҳимлигини таъкидлаб, шундай деди: — Ер юзи аҳолиси бундан 60 йил аввал дунёда халқаро консенсусга эришилганини, яъни инсон ҳуқуқлари деган тушунча мавжудлигини ва бу ҳуқуқларга қай тарзда риоя этиш лозимлигини билишлари шарт. Шунингдек, ҳар бир ҳуқумат ва халқ инсон ҳуқуқларига қанчалик амал қилинаётгани ва уларни қандай муҳофаза қилиш мумкинлиги юзасидан ўзаро мулоқот олиб боришлари керак. Озарбойжон элчиси Пулат Булбул ўғли брифинг иштирокчилари томонидан Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланиб амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни қизиқиш билан қабул қилинганлигини таъкидлаб, «Биз қардош мамлакат сифатида, ўзбек биродарларимизга барча соҳада, хусусан, инсон ҳуқуқлари борасида ҳам омад ва муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз», деди. **Олег ШАТУНОВСКИЙ «Жаҳон» АА Москва**

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига

ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

ДАРҲАҚИҚАТ БУ СЕМИНАР ЁКИ ТАНЛОВ ЭМАС, БАЛКИ МУТАХАССИСЛАР ВА БЎЛАЖАК ШИФОКОР ВА ИҚТИСОДЧИЛАР — ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ-ТИББИЁТ ВА МОЛИА ИНСТИТУТЛАРИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ОЧИҚ ВА ЭРИКИН МУЛОҚОТ БЎЛДИ, ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ. ТАШКИЛОТЧИЛАР — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА УЮШТИРИЛГАН БУ ТАДБИРНИНГ ОЛДИНДАН БЕЛГИЛАНГАН ДАСТУР БЎЙИЧА ЭМАС, БАЛКИ ШУНДАЙ ЙЎСИНДА КЕЧИШНИ, НАЗАРИМИЗДА, КУТИШМАГАНДИ.

Албатта, дастлаб ўқувчиларнинг махсус ва умумий фанларни ўзлаштириши, бу борада ўз ҳуқуқларидан қандайд фойдаланишга тегна, бурчлари нимадан иборат ва уларни қандай бажаришга тегна даражасини билиб олиш ниятида ёшлар мутахассислар томонидан қўллаб-қувватлаш орқали синовдан ўтказилди. Ва айтиш керакки, уларнинг деярли аксарияти ҳозиржавоб бўлишга астойдил ҳаракат қилишди. Тадбир иштирокчилари лицей ўқувчилари, яъни 16-17 ёшли ўғил-қизлар бўлгани боис уларнинг кўпроқ тегнаши қонунлар бандлари ва моддаларини ёдлаган ҳолда шарҳлаши, баъзи вазиятларда, масалан, таълим ёки малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқлари юзасидан тўлиқ тушунарга эга эмаслигини мутахассислар сезмасликка олдлар. Аммо саволлар ҳаётий оқимга, мавзуга оид мисолларга қаратилганда, ўқувчиларга анча «жон» кирди ва уларнинг қизиқиши ортгани сари, саволлар йўналиши ҳам кескин ўзгарди. Энди ўқувчилар мутахассисларни саволга тутиб бошлашди. Қизғин шундаки, тадбир «қондаси»нинг шундай ўзгаришига айнан ёшларимизнинг ўзлари ташаббускор бўлишди. Нима учун ўз номи билан умумжаҳон дейлисада, ҳамма мамлакатлар Инсон ҳуқуқлари декларацияси тамойилларига амал қилмайди? Нега ушбу халқаро ҳужжат қабул қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан юртимизда кенг тадбирлар ўтказиш юзасидан ваколати бўлган парламент ёки бошқа тузилмалар қарори эмас, айнан давлатимиз раҳбарининг Фармони эълон қилинди? Ўзбекистон Конституциясининг бошқа давлатларнинг шу каби ҳужжатларидан фарқи нимада? Асосий Қомусимизга қўшимча ва ўзгаришлар киритилишининг сабаби нимада? Кўриб турганимиздек, ёшларимиз қонун ижодкорлари, амалиётчи ва назариётчи ҳуқуқшуносларга анча жиддий саволлар билан муносабат қилишди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, мана шундай очиқ мулоқотга киришишига ёшларнинг аслида ўзлари туртки берган бўлсада, аммо уларни «тортинчоқ» ҳолатдан чиқариб, қўнглига йўл топишнинг Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Тамара Тиллаева яхши уйдасидан чиқди. Кўп йиллар давомида ҳуқуқий амалиёт билан шуғулланган Тамара Аллабергановна декларациянинг моҳиятига тўхталиб, давлатимиз инсон ҳуқуқларининг барча йўналишлари бўйича халқаро мейёрларни тан олганини Асосий Қомусимизга асосланиб ва миллий қонунчилигимиз мисолида айнан ўсимир ёшдагиларга тушунарли тарзда шарҳлаб берди. — Биз глобал ахборот кенглиги даврида яшаётимиз, — деди Тамара Тиллаева. — Кимгадир «нима яхши, нима ёмон» деган саволлар оқди тўлиқиш мумкин. Лекин айни пайтда шу саволлар ёшларимиз учун мушкуллиги билан долзарб бўлаётди, деб биламан. Шу боис биз, мутахассислар, катталар атрофда рўй бераётган воқеалиқларни ҳали тўлиқ англаш қобилияти бўлмаган фарзандларимизга тезкор тарқалиб бораётган ахборотларни тўғри тушуниши, тўғри англаши учун керак бўлса, батафсил тушунтириб, сўнг оғилларига синдиришни ўргатишимиз керак. Бу борада турли усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир киши аниққас ёшларимиз ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик яхши ва фақат тўғри англаган ҳолда билса, буни ўз вақтида ва фурсат келганда тўғри қўлай олади ҳам. Бугунги шиддатли замонда, барча жаҳонлар каби қонун ва мейёрий ҳужжатларнинг ҳам замонага яраша янада такомиллаштирилиши тақозо этилмоқда. Жорий йилнинг ўзида республикамиз қонунчилиги яна бир нечта янги ҳужжатлар билан бойиди, шу боис баъзи қонунларга ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳам киритилди. Шунга эътибор қаратиш лозимки, уларнинг бари инсон

ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларга ва Асосий Қомусимиз мейёрларига тўлиқ жаовоб беради. Ёшларимиз бундай энгилликларни қандай қабул қилаётдилар? Хусусан, ўлим жазосини бекор қилиш, одам савдосига қарши курашиш борасидаги қонунларни қандай тушунадилар? Ишончимиз қомилки, ўқувчи ёшлар бу борадаги билимларини Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва жамоат ташкилотлари мутахассислари билан ўтказилган суҳбат доирасида анча кенгайтири олдлар. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун моҳиятига алоҳида уруғ бериб ўтилгани оза ўғил-қизларимизни анча қизгин мушоҳадага чорлади. Урни келганда айтиб ўтиш керакки, бу трансмиллий тус олган жиноят давлатимизни ҳам четлаб ўтмаган. Бундай жиноят жиноятдан жабр кўрганлар орасида аёлларимиз ва ёшларимиз ҳам борлиги ачинарлидир. Инсон туғилишидан эркиндир ва ҳеч кимнинг унинг эркинлигига раҳна солиши, қўл қилишга ҳаққи йўқ. БМТ маълумотига кўра, одам савдосидан етти миллиард долларча даромад олинар экан. Ҳар йили 2,7 миллион киши бундай жиноят қурбонига айланади, 600-700 мингга яқин аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий давлатларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда. Мамлакатимизда бундай жиноятчиликнинг олдини олишга йўналтирилган тезкор чоралар қўрилади. Аммо одам савдоси мавжуд ва бундай ҳолатлар ҳавотирга солмаслиги мумкин эмас. Ҳар қандай жиноятчиликка қарши курашишимиз энг таъсирчан чораларидан бири — бу инсоннинг маънавий баркамоллиғидир. Юқори ахлоқий-маънавий қўчга эга, иродаси мустаҳкам, ҳуқуқий билими ўткир инсонни ҳеч ким ва ҳеч нима енга олмайдди. Бу борада маърузадан иборат тадбирлар эмас, балки аниқ қайд этилган му-

лоқотлар тарзидаги тушунтириш ишлари ўринли бўлиб, бунда ҳақиқатан ҳам ташкилотчиларнинг кўпроқ саволларига мутасаддилардан жаовоб олиб, бу уларнинг дунёқарши кенгайиши ва қизиқишлари орттишига хизмат қилаётди. Лицей ўқувчилари билан ўтказилган навбатдаги учрашу авваламбор ташкилотчиларнинг ўзида катта таассурот қолдирди десак адашмаймиз. Қонун ижодкорлари эътироф этганидек, ёшларимиз, дарҳақиқат, қанчалик кўпроқ мана шундай давраларга тақлиф этилиб, очиқ-ойдин мулоқотга киришишса, улларда авваламбор ўзига бўлган ишонч мустаҳкамланади, яқинлари, дўстларига нисбатан масъулият ҳам янада кучайиб боради. Фарзандларимиз, юқорида айтиб ўтилганидек, баъзи қонунларни тўлиқ тушунашлари мумкин, бироқ тақлиф сифатида шуни билдирмоқчимизки, бу борада барча учун энг мақбул, энг қулай деб танилган китоблар, айни пайтда қонунлар шарҳи ва изоҳли лугат каби рисолалар кўпроқ яратилса, айни мундога бўлар эди. Муҳими яна шундаки, бундай китоблар оммавий нусхада кенг давра учун, шу жумладан ўқувчи-талабаларнинг имкониятини инобатга олган ҳолда чоп этилиши лозим. Дарвоқе, бу масалага жиддий ёндашиш зарурлигини ўқувчилар ҳам таъкидлаб ўтдилар. Тадбир сўнгида виқторина ўтказилганига келсак, рағбат, шубҳасиз, инсонни янада интилуванч бўлишга ундайди. Ўқувчилар орасида энг зуқко, энг билимдон, энг қизиқувчилари ўз номини яқини буйича муносиб тақдирланди. Ўз навбатида, ташкилотчилар ёшларимизнинг кўпроқ билим эгаллаши, мушоҳада ва бахсаларга янада киришилми бўлишлари, ҳуқуқий саводхонликларини кенгайтиришлари учун бундай тадбирларни тез-тез ташкил этишга ваъда беришди. **Ильмира ЗАЙНУДИНОВА**

ФРАНЦИЯДА ТЕМУРИЙЛАР АССОЦИАЦИЯСИНING 20 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ

(Давоми.Боши 1-бетда). Биз темурийлар даврига бағишланган турли илмий тадқиқот ва тақдиротлар ўтказамиз, китоблар нашр этамиз. Ассоциациянинг «Темурийлар» деб номланган журнали саҳифаларида ўзбек ва француз олимларининг ўша давр тарихи, санъати ва маданиятига бағишланган, шунингдек, бугунги Ўзбекистоннинг илмий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ мақолалари мунтазам чоп этилади». Француз олими ўзининг Амир Темури ва унинг авлодлари, хусусан, ўрта асрларнинг буюк астрономи Мирзо Улугбек даврига оид илмий изланишлари Ўзбекистонда юксак баҳоланганидан мамнун эканини қайд этди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 1996 йил апрель ойида Амир Темурининг 660 йиллигига бағишланган шодиёналар доирасида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Л. Керени «Шухрат» ордени билан мукофотлади. «Мен ўз меҳнатим орқали Амир Темурининг ҳаққоний қиёфасини французлар ва европаликларга етказиш мақсадида мазкур буюк тарихий шахс ҳақида пьеса ёздим ва у Парижнинг «Одеон» театрида саҳналаштирилди. Мен келажакда бу асарим Париж театридан берида, ўзбек актёрлари томонидан ўзбек тилида ижро этилиб, албатта, экранда француз тилидаги таржимаси билан саҳнага қўйилишини оруз қиламан. Бу Франция ва Европа жамоатчилигига Амир Темурининг буюк шахси ҳақида кенг маълумот беришга хизмат қилган бўлур эди», — деди Ассоциация раҳбари. **Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш французи ассоциацияси бош котиби Фредерик Брессан хоним 1997 йилда ўзининг «Самарқанднинг мовий олтини» деб номланган аjoyиб суратлар билан безатилган альбомини кенг жамоатчиликка ҳавола этди. Нашр тақдимида олимпиада «дунёда икита нурафшон ва олама машҳур шахар бўлса буларнинг бири — Париж, иккинчиси — Самарқанд» деган эди. 2003 йилда унинг «Маҳабатли Самарқанд» деб номланган китоби иккинчи марта босмадан чиқди. «Амир Темури ва унинг ворислари ҳукмронлик қилган даврда адабиёт ва шеърининг ҳимиоси ва ривожига катта эътибор қаратилган, — деди олимпиада тадбирда. — Ўзбекистон замини дунёга буюк шоир ва мутафаккирларни берган. Бугун биз меҳмонларимизга ўзбек халқининг буюк шоирлари ижодини французча таржимамизда тақдим эта олганимиздан бахтиёримиз. Айни кунларда Парижда Ўзбекистоннинг ҳақиқий дўстлари, ўзбек халқининг қадимий ва ўзига ҳо маданияти ва санъатини қадрлайдиган инсонлар иштирокида катта байрам бўлиб ўтмоқда. Мен Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги маданият ва санъат соҳаларидаги муносабатларнинг мустаҳкамлиги боришига бевосита алоқадор эканимдан бахтиёрман». «Ушбу тадбир халқларимизнинг бир-бирига яқинлашишига хизмат қилиши шубҳасиз, — дейди кенчада иштирок этган франциялик тадбиркор Морис Доге. — Бугунги шароитда мана шундай самимий ва дўстона кечаларни ташкил этишнинг аҳамияти янада ортади. Ўзбекистон маданияти кечаси жуда қизиқарли ўтди. Иштирокчилар ўзбек халқининг бой адабий ва мусликий меросидан баҳраманд бўлишди. Француз жамоатчилиги Ўзбекистонда кенгайта ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бориб, юртингиздаги демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларга муваффақият тилайди. Мен Франциянинг Шампань вилояти вино ишлаб чиқарувчи кооперативи вакилиман. Узингизга маълум, ўлкамиз ўзининг вино махсулотлари билан дунёга машҳур. Биз Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик қилишга ўзганимиз. Яқинда биз юртингиз мутахассислари билан биргаликда вино ишлаб чиқариш хусусида музокаралар ўтказдик. Келишадиган ҳамкорлигимиз самарали кечигаши ишончим қомил». **Дижон шаҳри театри директори Франсуа Шато:** «Бугунги мусиқа ва шеърят кенасидан жуда лаззатландим. Халқингиз шеърятини санъати дунё шеърятинида ўзининг муносиб ўрнига эга. Бу кеча давомида мен ўз дўшларимни ушбу аjoyиб шеърят оламида ошно қилишга хисса қўшганимдан бениҳоят мамнунман». Юртимизга бағишланган яна бир тадбир Париждаги «Александр Каден» бадий галереясида бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик ва европалик расмолар ижоди намуналарини ташкил топган «Самарқанд ранглари» кўргазмаси очилди. Ундан расмол Бобур Исмоилов, гиждувонлик куллар авлоди вакили, сопол буюм ва сўзаналар музейи ассосици Абдулла Нарзуллаевнинг асарлари ўрин олган. Кўргазмага Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш француз ассоциацияси бош котиби Ф. Брессан хонимнинг фото асарлари ҳам қўйилган. Кўргазманинг яна бир европалик иштирокчиси — таниқли сопол идишлар рассоми, Каролинда Толстая хоним ҳам Ўзбекистон амалии санъатининг муҳлиси. Галереяда, шунингдек, самарқандлик Нарғиза Бекмухаммедованин ўзбек миллий либосларидан ташкил топган «Буюк Ипақ йўлида ранглар жилюси» кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Парижда бўлиб ўтган мазкур маданий тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО доимий ваколатхонаси, мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси ҳамда Темурийлар ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилди. **«Жаҳон» АА, Париж.****

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ ОРТМОҚДА

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАҲАЛЛИЙ ҚОМАШ НЕГИЗИДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР, БУТЛОВЧИ БУОМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎЗДА ТУТАДИГАН МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ИЧКИ БОЗОРНИ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТАММИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА. Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ»да ўтказилган Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган «Мини аккумулятор» масъулияти чекланган жамияти, «Урганч ўт ўриш машиналари заводи» акциядорлик жамияти, «Хоразм-Мавера пласт» қўшма корхонаси ҳам ўз махсулотлари билан қатнашади. Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини ошираётган ушбу корхоналар кишлоқ хўжалиги учун агрегаторлар, пластмасса кубурлар ва турли маиший жиҳозларни харидорлар эътиборига ҳавола этади. Ярмарка ва биржа мазкур хўжалиқ юритувчи субъектларга бюртмалар портфелини шакллантириш, янги ҳамкорлар топиш имконини беради. — Утган йили ўтказилган Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамияти билан махсулот эшити ва харид қилиш бўйича шартнома имзолаган эдик, — дейди Урганч шаҳридаги «Мини аккумулятор» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Арслон Қаландаров. — Келишувга кўра, ҳамкоримизга шу йилнинг ўтган даврида 1 миллиард 167,4 миң сўмлик миқдорда моноблоклар етказиб бердик. Навбатдаги саноат ярмаркасида ҳам қатнашиб, мижозлар сафини кенгайтиришни мўлжалламоқдамиз. **Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎЗА мухбири.**



ХАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Хамшаҳарларимиз

МАҚСАД САРИ ИНТИЛИБ

МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, ЖАМИЯТДА УЛАРНИНГ МАВҚЕИНИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАШ, ОЛИБ БОРАЁТГАН ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ҲАР ТОМОНЛАМА РАФАТЛАТИРИБИ Кўмак бериш мақсадида бир қанча қарорлар қабул қилиниб дастурлар ишлаб чиқилган. УЛАРНИНГ НАТИЖАСИ ўлароқ БУГУНГИ КУНДА АЁЛЛАРИМИЗ ҲАР СОҲАДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚўЛГА КИРИТМОҚДАЛАР.

Азиза Қосимова ҳам жамиятда ўз ўрнига, ўз сўзига эга бўлган изланувчан, тиниб-тинчимас фаол аёллар сирасига кириди.

— Аёлнинг бахти бойлик ва амал билан ўлчанмайди, — дейди Тошкент иқтисодиёт коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Азиза Қосимова биз билан бўлган суҳбатда. — Менинг назаримда аёлнинг бахти ҳам омади ҳам унинг ҳақиқий аёллигида, назокатида, нафосатида. Маънавий дунёқарашининг кенглигида, онг ва тафаккурининг теранлигидадир. Маънавий савийси баланд бўлган аёл, жамиятда ҳам ўз ўрнига эга бўлади. Оила-си ва фарзандларига хотиржамлик ва кувонч бахш этиб яшай олади. Қачонки аёл жамиятда ҳам оилада ҳам ўз ўрнига эга бўлса, севган касби билан шуғуллана олса, асосийси ўзини қимлатадир кераклигини ҳис қилиб яшаса у, чин маънода бахтли аёлдир. Баъзан ён-атрофга назар ташлар эканман, қалбимда нимадир галаён кўтарайди, дилим гашланиб, кўнглим хиралашади. Сабаби, аёллик нафосатини йўқотиб бораётган аёллар, қизлик назокатини йўқотиб, енгил-елпи ҳаётга берилиб кун кечираёт-

ган қизлар, беқлигини унутаётган эркаклар сони кундан-кунга кўпайиб бораётган. Аммо яшашнинг асл меҳварини, ҳаётнинг мазмунини, умрнинг қайтарилмас бебаҳо онларини турли ҳою-хавасларга, беъмани, бемақсад гаразли йўлларга, фиску, фасодларга бериб қўймаслигимиз керак. Умримизга маънавий сайқал бериб бир-биримизни асраб-авайлаб яшаганга нима етсин...

Азиза опанинг гоҳ дардчил, гоҳ куйиниб сўзлашларини тинглар эканман, яхшиям жамиятимизда шундай захматқаш аёлларимиз бор-а, — деган уйга бордим.

Азиза Қосимова Ўзбекистон Миллий университети (собиқ Тошкент Давлат университети)нинг физика факультетини муваффақиятли тугаллаганидан сўнг илк иш фаолиятини ушбу ўқув масканида муҳандисликдан бошлади. Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университети (собиқ Тошкент политехника институти), кечки ва сиртки бўлимда ҳам муҳандис сифатида иш олиб борди. Шунингдек, олти йил давомида мактабда ва Республика Тиббиёт коллежидида ҳам физика фанидан ўқувчиларга сабоқ берди.

2006 йилдан бошлаб эса, Тошкент



иқтисодиёт коллежидида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, Азиза Қосимова асосий фаолиятдан ажралмаган ҳолда 2005 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси «Оила» илмий-амалий марказида аспирант бўлиб ишлаш билан бирга, Оила тарбиясида ахлоқий идеал омил мавзусида илмий иш ҳам олиб бормоқда.

2006 йилда эса Миллий истиқлол гоғларини ҳаётга тадбиқ этиш, соғлом авлодни вояга етказиш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги меҳнатлари учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Эс-далик нишони» билан тақдирланди.

Ўзларидан самимият бақиб турган, тиниб-тинчимас бу аёл, коллежда ҳам бир қатор маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни амалга ошириб келмоқда. «Маънавият бешиги», «Президентимиз асарларидаги тафаккур гулшани», «Бугунги кун ёшлари», «Гиевандлик — аср вобоси», «Миллатимиз гурури», «Ўзлигини унутма», «Саломатлик — кони бойлик», «Қизлар ҳаёси билан гўзал» мавзусида ўтказилган тадбирлар, ўрашувлар ва давра суҳбатлари ўқув-

чиларнинг фикр доирасини янада кенгайтириб, онглариин чархлаб маънавий озуқа бериб келмоқда.

— Ёшлар билан ишлаш менга куч ва рағбат беради, уларнинг ҳамроҳи, сирдоши, керак бўлганда эса дўсти бўлишга ҳаракат қиламан, чунки уларнинг кўнгли жуда беғубор ва ёмонликдан узоқдир, шу билан бирга ўз касбимни ҳам жуда севман, — дея таъкидлаб қўйди Азиза опа суҳбат орасида.

Дарҳақиқат бугунги кун ёшлари жуда сергак ва хушёр. Улар билан мулоқотда бўлиш муаммоларини ҳал этиш ва маънавий дунёсини кенгайтириш учун эса кенг кўламдаги маънавий-маърифий биллилар таъриба ва сабот керак бўлади.

Азиза Қосимовада эса ушбу маънавий бирликнинг барчаси бисёр. Жамиятда ўз шорларига, жамоада ўз ўрнига, оиладаги фарзандлар тарбиясида доно ақидаларга амал қилиб яшаётган Азиза опага йўлингиз нури, умрингизнинг ҳар бир сонияси маърифат зиёсига ошно бўлсин, деб ният билдирамиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТДА: Азиза Қосимова шогирдлари даврасида. Ҳажимжон Солихов олган сурат

Санъат

ЁШ РАССОМЛАР КУНИ

ШАҲРИМИЗДАГИ ЎРОЛ ТАНСИҚБОВЕВ УЙ-МУЗЕЙИДА ҲАР ЙИЛИ ОКТАБРЬ ОЙИДА «ЁШ РАССОМЛАР КУНИ» НИШОНЛАНДИ. БУ АНЪАНАГА БУНДАН БЕШ ЙИЛ АВВАЛ АСОС СОЛИНИБ, ЁШ ИЖОДКОРЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ КўРГАЗМАСИ ОЧИЛГАН ЭДИ.

Ўзбекистон рассомлар уюшмаси саъй-ҳаракати билан амалга оширилаётган бу тадбирда атоқли мўйқалам устаси Ўрол Тансиқбоев ҳаёти ва ижоди ҳақида давра суҳбати уюштирилди. Бу сафарги ёш рассомлар кунидида бир йўла уч нафар ёш истеъдод асарларидан иборат экспозиция намоиш қилинди.

«ҚОР МАЛИКАСИ»НИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ РЕПЕРТУАРИ ҚАТОР ЯНГИ АСАРЛАР БИЛАН БОЙИМОҚДА.

«Қор маликаси» деб номланган мюзикл томоша эса ёш томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Рус халқ эртаги асосида постановка қилинган мюзикл спектакл бастакор Анвар Эргашев тайёрлаган мусикалар асосида юзага келди. Янги постановка ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида кетма-кет кўрсатилади.

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ДАРГОҲИ

РЕСПУБЛИКА ҚўГИРЧОҚ ТЕАТРИ ЎЗИНИНГ 80 ЙИЛЛИК ТАРИХИГА ЭГА. 1928 ЙИЛНИНГ КУЗИДА ТОШКЕНТ ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ ҲУЗУРИДА ҚўГИРЧОҚ СТУДИЯСИ ТАШКИЛ ТОПИШИ БИЛАН КИЧКИНТОЙЛАРГА ПОСТАНОВКАЛАР КўРСАТИШ ДОИМИЙ ЙўЛГА ҚўЙИЛДИ.

Бундан ўттиз йил аввал Тошкентнинг марказий гўшаларидан бирида театр учун замонавий бино бунёд этилди. Бу санъат саройида кичик қўғирчоқ спектакллари постановка қилиш учун барча қулайликлар муҳайё қилинган.

Махсус лойиҳа асосида қад кўтарган бу даргоҳда юзлаб спектакллар саҳна юзини кўрди. Акбар АЛИЕВ

Тадбирлар

ЛИЦЕЙДА МАЪРИФИЙ АНЖУМАН

ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНИГА ҲАМ ЎН Тўққиз йил бўлди. БУ ДАВР ИЧИДА ТИЛИМИЗНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ЖАҲОН МАЙДОНИДА КЕНГ Ёйилди. МУҲТАШАМ МИНБАРЛАРДАН КУЙЛАНАЁТГАН МАДҲИЯМИЗ ОРҚАЛИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШИРИНЗАБОН ТИЛИНИ БУТУН ДУНЁ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА.

Тил байрами муносабати билан Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейида «Тил — миллат руҳи» мавзусида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда сўзга чиққан ЎЗМУ ўзбек филологияси факультети декани, филология фанлари доктори Нурбой Жабборов, филология фанлари номзоди, доцент Норкул Бекмирзаевлар ўз чқишларида тил байрамнинг аҳамияти, она тилимизга кўрсатилаётган юксак эътиром ҳақида батафсил тўхталдилар. Шунингдек, нотиклар тил — муомала, сўзлашув ва алоқа воситаси бўлиш билан бирга миллат қиёфасини белгилловчи бебаҳо неъмат эканлигини ҳам эслатиб ўтдилар.

Маъмур лицей хотин-қизлар кўмитасининг раиси, аниқ фанлар кафедраси мудири, физика фанлари номзоди Дилором Пулатова ҳам ширинсуханлик, ҳалоллик, хушмуомалаликнинг фойдаси, жоҳиллик, қўполлик ва ёлғончиликнинг оқибатлари ҳусусида сўз юритиб, ўқувчи-ёшларни тўғри ва чиройли сўзлашга даъват этди.

Шундан кейин лицей ўқувчиларининг гуруҳларара ва курсларара мушоиралари ҳамда беллашувлари бўлди. Ундаги ғолиблар пешма-пеш аниқлиниб, совғалар билан тақдирлаб борилди. Айниқса, 2-курс талабаси Моҳина Абдурахмонованиннг ўз қаламига мансуб она тили ҳақидаги шеъри ҳаммани ҳайратга солди.

Бадийий жамоалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар ва ўқувчиларнинг саҳна композициялари анжуман шукуҳини ошириб, унинг қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Гулчеҳра ХўЖАНОВА, ТДЮИ қошидаги академик лицей кафедраси мудири, филология фанлари номзоди



СОРА ОПАНИ ИЛК МАРОТАБА КўРГАНАМДА КўЗ ЎНГИДА ҲАҚИҚИЙ ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ КАМТАРИН СИЙМОСИ НАМОЁН Бўлди, ЮЗЛАРИДА САМИМИЯТ БАЛҚИБ ТУРГАН, ИСТАРАБИ БУ Аёл КўПРОҚ ҲАЁТИНИ ОИЛАСИГА, БОЛАЛАРИГА ВА НЕВАРАЛАРИГА БАҒИШЛАГАН МЕҲРИБОН ВА ЖОНКУЯР ОНАЛАРГА ЎХШАБ КЕТАДИ.

ИЛМ ИСТАГАНГА ИЛМДИР ДУНЁ

Аммо Сора опа китоблар дунёсининг, фан ва илм оламининг ҳам фидойисиди. Таҳсинга сазовор бўлган меҳнатлари замирида кўп йиллик машаққатлар мужассам. Самарали саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистондаги деярли барча академик ва олимларнинг жуда кўплаб илмий наشرларига кўрсаткичлар тузди.

Сора Жўраева Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг кутубхоначи-библиограф факультетини имтиёзли тугаллаб, илк иш фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий кутубхонасида фикришти-библиограф сифатида бошлади.

Ўтган ўттиз йил ичида у ўз ишининг фидойисига айланиб улгурди. Бу давр ичида Сора опа 50 дан зиёд кўрсаткичлар тузди. Бош библиограф сифатида Хоразм Маъмур академияси ахборот-ресурс маркази ишини йўлга қўйишда ҳам катта ташкилий ишларни амалга оширди.

Илмий изланишлар олиб бораётган олимларга зарур маслаҳатлар бериб амалий ёрдам кўрсатди.

«Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий фондида олинган янги адабиётлар каталогини», «Миллий истиқлол гоғиси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарлари бўйича библиография кўрсаткичи», «Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши», «Муусулмон дунёси авлиёлари» каби китобларга кўрсаткичлар тузди. Унинг тузган кўрсаткичларидан неча минглаб одамлар баҳраманд бўлмоқдалар.

Сора опа айни вақтда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти талабаларига ишлаб чиқариш амалиётида бош библиограф сифатида устозлик қилиб келмоқда. Кўп йиллик фаолияти давомида қанчадан-қанча магистр ва аспирантларга амалий ёрдам кўрсатди. Илм дунёсини бағишлаган инсонларга Сора опа доимо ҳамроҳ ва дўстдир.

— Менинг умр йўллариим қайноқ меҳнат қучоғида ўтмоқда, — дейди Сора Жўраева. — Инсон умрининг энг гўзал палласи меҳнат, изланиш ва ўрганиш билан ўтса, ҳаёт чизгилари янада сержи-

ло ва нурафшон бўлади. Фаолиятим давомида не-не олим, устозлар билан иш олиб бордим. Жуда кўплаб илмлар сирига ошно бўлдим. Бу эса мениннг оддий ва камтарин ҳаётимга беғуборлик, поклик ва шуур олиб кирди. Онг ва тафаккурим чархланиб, билимлар дунёси сари талпинмавердим. Хар бир босган қадамим ва юрган йўлимда шуқроналик ҳиссини туйиб бораман. Зеро, инсон илмга ошно бўлар китоблар уммонига шўнгир экан ҳеч қачон кам бўлмайди. Агар озми-кўпми меҳнатим илм аҳлига асқотган бўлса, шу мениннг бахтим ва ютуғимдир.

Ҳа, Сора опа ҳақ гапни айтди. Зеро, бу кўҳна оламда ҳеч нарса маърифат ёғдусининг ўрнини боса олмайди. Илм ва фан дунёси берган маънавий озқичи бера олмайди. Шунинг учун ҳам доноларимиз — илм истаганга илмдир дунё, дея бежиз айтишмаган.

Гулнигор САТТОРОВА СУРАТДА: фихришти-библиограф Сора Жўраева.

МУОМАЛА МАДАНИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ С.СИРОЖИДИНОВ НОМИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА Бўлиб ўТГАН «ҚИЗЛАР — ҚИЗИЛ ГУЛЛАР» МАВЗУИДАГИ ТАДБИР АСОСАН ҚИЗЛАРНИНГ КИЙИНИШ ВА МУОМАЛА МАДАНИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ.

Тадбирда, ўқув муассасасининг аёл ўқитувчилари ва лидер қизлари иштирок этдилар.

— Қизлар миллатимиз наслининг асосий давомчилари ҳисобланади, — дейди академик лицейнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Матлуба Турсунова. — Улар келажакда оиланиннг саришти-тали бекаси, фарзандларининг меҳрибон онаси, жамиятимизнинг жонкуяри, изланувчан аъзолари ҳисобланади. Шундай экан уларнинг хулқ-атворлари ўзбек қизларига ярашмайдиغان нуқсон ва камчиликлардан холи бўлиши керак. Бугунги кунда Европа маданиятига тақлид қилиб кийинадиган ёшларимиз сони кундан-кунга ортиб кетмоқда. Ўзбекона урф-одатларимизга эид бўлган, анъаналаримизга умуман мос келмайдиган кийимларни кийиш, гализ сўзларни ишлатиш, талаффузи бўзиб гапиришлар аслида бизнинг камчилигимиз ҳисобланади. Шундай экан аънава ва қадриятларимизни улуглаб, урф-одатларимизга ҳаммиса содиқ келмоғимиз лозим. Зеро, момоларимиздан мерос бўлиб келган ўзбекона ҳаё ва ибод кизларимизнинг юзи ҳисобланади. Миллатимиз

кўрки эса унинг миллийлигида, урф-одатларимизнинг улуглинишидадир.

— Дарҳақиқат, ўзбек кизининг майин боқиларида назокат, нафосат, миллийлигимиз акс этиб туривчи кийимларимизда эса, миллат руҳи уфуриб туриши керак, дейди биринчи курс ўқувчиси Ойдин Ибрагимова. — Шунинг баробарида замонавийликдан йироқлашмаган ҳолда кийиниш ҳам билишимиз керак. Мен замонавийликни ёқлайман. Лекин ҳаддан ташқари бачканаликни қабул қила олмайман. Давлатимиз томонидан биз ёшларга катта ишонч билдирилиб, ўқишимиз ва изланишимиз учун барча шарт-шароитлар ва қулай имкониятлар яратилмоқда экан шунга яраша ҳаракат қилмоғимиз, ўқиб, ўрганмоғимиз лозимдир.

Шунингдек, тадбир доирасида, ўқувчи қизлар томонидан саҳналаштирилган саҳна кўринишлари, жойибали қўшиқ ва рақслар кечаниннг янада сермазмун ва мароқли ўтишини таъминлаб берди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: тадбирдан лавҳа



Дастурхонингизга

БОДРОКЛИ ҲОЛВА БОДРОҚ ҲОЛВА УЧУН 20 ГРАММ БОДРОҚ, 20 ГРАММ ЕРЕНҒОҚ, 0,5 СТАКАН АСАЛ, ИДИШНИ ЁГЛАШ УЧУН БИР ОШ ҚОШИҚ САРИЁҒ КЕРАК Бўлади.

Бодроқ билан қовурилган ёнғоқ мағзини бирга қўшиб янчасиз ёки гўшт қиймалағичдан ўтказасиз. Махсуслотни ёғланган лаганга солиб устидан эритилган асал қуюсиз ва яхшилаб аралаштирасиз. 1 сантиметр қалинликда ёсиз ва зичлаб тўрт бурчак ёки ромб шаклида кесасиз.

Карабиски жуда ширин таъмга эга бўлган бодроқ ҳолва дастурхонингизни беэза турибди. Дилноза БОЗОРОВА

хоҳлар, ўзингиз ҳам билмай қолаверасиз.

Аёл шундай хилқат, шундай мўъжиза, дарди-ю, дунёси ўзига ситмас, аямай озгина меҳр берсангиз, эъозларга кўмилар хар бир лаҳзаингиз. Хашамат истамас, бойлик не даркор, кўнгил дарчасига теранроқ боқинг. Кунда бўлмаса ҳам ойда бир марта сен мениннг яғонам дея сўз қотинг Аёлим ёнимда бўлсин десангиз, кўнглими нурафшон қилсин десангиз сиз уни ардоқланг, сиз уни севинг.

Гули ЧЕХРА

Туйғулар

СИЗ УНИ АРДОҚЛАНГ, СИЗ УНИ СЕВИНГ

АЁЛЛАР, БУНЧАЛАР ЛОБАРСИЗ, ДИЛБАРСИЗ ВА ЯНА ЗЕБО. НАЗОКАТ БОБИДА ТАНҲО ДИЛРАБО. ЮЗИНГИЗДАН ЁғИЛАР НУР ВА ТАБАССУМ. СИЗ АЗАЛДАН ШАРҚДА БУЮК ВА МАЪСУМ. КўНГЛИНГИЗ КЕНГ ҚИЛИБ ЮРАВЕРАСИЗ, ИЧИНГИЗДА ЙИҒЛАБ, ЮЗИНГИЗДА КУЛИБ, ДАРДИНГИЗ ЯШИРИБ ТУРАВЕРАСИЗ. ИБНОНИНГ, ҲАЁНИНГ БАРИНИ УШЛАБ, САМИМИЯТ БИЛАН ҚОЛАВЕРАСИЗ. ТАЪРИФИНГИЗГА ЛОЛ ҚОЛДИ ЗАМОНЛАР, СИЗ ШУНЧАЛАР ГўЗАЛСИЗ, АЗИЗ АЁЛЛАР.

Аммо мақр бобида ҳам жуда тенгсизсиз. Юрақни яралар хийла-уйингиз, баъзан кўнлаб, хатто ойга чўзилар, асабини эғовлар чин аразингиз. Турланиб, тусланиб тураверасиз, айтган сўзингиздан

тонаверасиз, керак пайтда оқни қора деб, қорани оқ деб акклигингизни ҳам қилаверасиз. Битта гап ортиқча иккита гап кўп, олов мисол пурқалиб ёнаверасиз. Кўнгил не истайди, дил нени



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БУСТОНИ

«ИСКАНДАР ХИРАДНОМАСИ» ДАН
(Шоислом Шомухамедов таржимаси)

ҲИКМАТЛАР

Агар кўй қайтмаса бўри йўлидан,
Ўз ўлими келур нақ ўз қўлидан.

Тилингни бетиним қилма сўзга банд,
Тинглашга қулогинг шайлагил ҳарчанд.

Оғирлик худодан бир неъмат эрур,
Кишида ақлдан далолат эрур.

Билим кўплигига фаросат гувоҳ,
Кўп сўзлагувчидан фаросат жудо.

Сўзни бир қуш билгил қафасда маҳкам,
Агар сен у сўздан ҳеч урмасанг дам.
Сўзласанг бўлади қафаси барбод,
Учган қушни тутмоқ фикринг этма ёд.

Ўз меҳнатинг бўлсин доим йўлдошинг,
Ўзга миннатидан оғритма бошинг.

Хазинанг бўлса гар ҳикмат гавҳари,
Бўлурсан донолар доно раҳбари.

Мардлар иши бўлди оламда фақат,
Ҳар бир ишда вафо ҳамда мурувват.

Бахтинг тепкилаб, ўғирма юзинг,
Учга тақсим қил кеча-кундузинг,
Бирин ўтказ илм ўрганиб,
Илмсизлик, ор, ўтма ўртаниб.
Иккинчисидан илм бирла иш кўр,
Учинчи вақтинг бошқага илм бер.

Сену биз меҳмонмиз, дунё деган жой
Донолар наздида бир меҳмонсарой.

Ҳаёсиз ишлардан юзингни ўғир,
Хайрли иш бўлса илдамроқ югур.

Яхши ишларингга тўлсин бу жаҳон,
Номинг ер юзида қолсин кўп замон.

Мард номини олса юз хилда одам,
Яхшилиқ яхшидир ҳаммасидан ҳам.

Олма керагидан ортиқ борини,
Поймол этмагил таъбинг торини.

Агар сув зилолу шакар бўлса ҳам
Ичма керагидан ортиқ ё кам.

Гилямнинг бўлса ҳам ҳарир, серзийнат,
Ўз ҳаддингга қараб оёгинг узат.

Зийрак, хушёр бўлса агар икки дил,
Шуни иттифоклик мясия деб бил.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

«Toshkent metropoliteni» ДУК умумий майдони 9066 м², «Toshkent metropoliteni» 1050 м²га тенг 2 та ангарли омборхона ва офис биноларини ижарага беради.

Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани,
Сувбўйи — Кўприкли кўчалари.
Маълумот учун тел: 239-89-27

Жамғармаларда

ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОДНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА БАҚУВВАТ БЎЛИШ КАМОЛГА ЕТИШИ ЙЎЛИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ ТАҲСИНГА САЗОВОР ДЕЙИШ МУМКИН.

Айниқса бу борада «Соғлом авлод учун» халқро ҳайрия жамғармаси томонидан ўтказилаётган турли хил тадбирлар фикримиз далилидир. Жамғарма ҳар йили анъанавий тарзда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Стол теннис федерациясининг шаҳар бўлими билан ҳамкорликда «Соғлом авлод учун» кубоги учун стол теннис бўйича ўсмирлар ўртасида республика турнирини ўтказиб келмоқда. Жорий йилнинг август-сентябрь ойларида шахримизнинг барча туманларида Ўзбекистон Республикаси Мустиқлигининг 17 йиллиги муносабати билан ўсмирлар ўртасида стол теннис мусобақалари ўтказилди. Мусобақанинг туман босқичларида 100 га яқин ўсмирлар спортнинг теннис бўйича ўз кучи ва маҳоратларини, истеъдодларини намойиш этдилар.


Куни кеча Юнусобод туманидаги 17-сонли мактабнинг спорт залида «Соғлом авлод учун» кубоги

учун стол теннис бўйича ўсмирлар ўртасида Республика турнирининг шаҳар босқичи ўтказилди. Ушбу мусобақада ҳар бир тумандан 4 нафардан (жами 44) голиб қатнашди.

— Турнирнинг асосий мақсади, ўсмир болалар ва қизларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлишлари, жисмоний маданият ва спорт турлари билан шуғулланишга қизиқтириш, спортни оммавийлаштириш, иқтидорли ўсмирларни қўллаб-қувватлашдир, — дейди «Соғлом авлод учун» халқро ҳайрия жамғармаси шаҳар таянч маскани раҳбари Маҳбуба Маҳкамбоева.

Турнирда иштирок этган ҳар бир қатнашчига ва голибларга жамғарманинг шаҳар таянч маскани томонидан диплом ва Фахрий ёрликлар, эсдалик совғалари топширилди. Турнирнинг шаҳар босқичи голиблари бўлган 4 нафар иштирокчига мусобақанинг Республика босқичида қатнашиш учун йўланма берилди.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТДА: турнирдан лавҳа



Хазонларни ёқманг

ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИ — ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИДИР

Куз фасли бошланиши билан дов-дарахтлардаги олтинранг япроқлар ерга гиламдек тўшалди албатта. Кузнинг ўз хислати, ўз фазилати бор. Лекин бу фаслда шундай бир муаммо борки, бунни кўпчилик яхши англаб етмаса керак. Кузатган бўлсангиз, айни кунларда аҳоли истиқомат қилаётган маззеларда хазонларнинг ёқиб юборилиши ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Бунинг инсонлар саломатлигига, табиатга келтирадиган зарарли оқибатлари ҳақида сўзлаб беришни сўраб биз бутун «Экосан» халқро ташкилотининг раиси Юсуф ШОДИМЕТОВГА бир неча саволлар билан муурожаат этдик.

— Маълумки, кузги хазон-рез даврида аҳоли истиқомат қилаётган маззеларда хазонларнинг ёқиб юборилиши оқибатида атмосфера ҳавоси, умуман атроф-муҳит ифлосланади. Дарахт барглари ва бошқа чиқиндилар ёқиб юборилганда инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга қандай зарар етади? Шу ҳақда гапириб берсангиз...

— Хазонлар ва бошқа чиқиндилар ёқиб юборилганда инсон саломатлигига ва атроф-муҳитга катта зарар етади. Дарахт ва бошқа ўсимликларнинг барглари атмосфера ҳавоси ва тупроқдаги турли токсик моддаларни — автотранспорт, саноят корхоналаридан чиқаётган газли чиқиндилар таркибидаги турли токсик моддаларни, чангнни ютиб олади. Хазонлар ёқилганда улар таркибидаги оғир металллар тупроқнинг юқори қисмида тўпланиб қолади, атмосфера ҳавоси ифлосланади ва бунинг оқибатида инсон саломатлигига зарар етади. Оддий ҳеллюлоза, яъни табиий полимер ёнганда полициклик моддалар ҳам ҳосил бўлади. Табиий чиқиндилар ёнганда турли полиароматик уг-

леводородлар, жумладан ўта захарли бўлган канцероген модда — бензопирен ҳосил бўлади. Тўтуннинг таркибида асосан монооксид углероди, яъни ис газ — СО бўлади. Маълумки, бу газ ўта зарарли бўлиб, қоннинг таркибидаги гемоглобин билан осон боғланади (метгемоглобинга айланади) ва органларга ксилород етиб боришни қийинлаштиради, оқибатда организм захарланади.

Шунингдек, ҳаво нам бўлган кунлари гулханлар ёқиш оқибатида инсон учун зарарли бўлган смог кузатилади: чиқиндилар тўла ҳолда ёнмасдан тутаганида микрозарралар ҳосил бўлиб, сув буғлари билан боғланади. Ушбу зарралар канчалик майда бўлса, улар шунчалик осон нафас йўллари орқали қонга ўтади. Бир тонна чиқиндилар ёнганда 9 килограмм шундай зарралар ҳосил бўлиши аниқланган.

— Хазонлар ва турли чиқиндилар ёқилганда улардан чиқаётган ачиқ тўтун инсонларга қандай таъсир кўрсатади ва қандай касалликларнинг авж олишига сабаб бўлади?

— Хазон ёқиш натижасида

ҳосил бўладиган тўтуннинг ав-валамбор қарияларга, аёллар ва болаларга таъсири кучли бўлиб, астма, аллергия, пневмония каби касалликларни авж олдиради, қон-томир тизимига ёмон таъсир кўрсатади, қон босими ошишига олиб келади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўча юзида тўқилган барглар ёндирилганда баргдаги кўрғошин чанги (канцероген — рақ касаллигига олиб келувчи модда) ёш болаларга таъсир этиб, суяк ичиде ёғсимон модда йиғила бошлайди ва сурункали захарланишга олиб келади.

— «Экосан» халқро ташкилоти кузги хазонрезги даврида ушбу муаммони бартараф этиш ва аҳоли саломатлиги ҳамда атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш борисиде қандай чора-тадбирларни амалга оширмоқда?

— Маълумки, «Экосан» халқро ташкилоти фаолиятининг асосий мақсадларидан бири — барқарор экологик вазиятни таъминлашдир. Шу мақсадда, яъни аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш, санитария-гиена нормаларига риоя қилиш, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби халқ анъаналарини тиклаш, аҳолининг экология масалаларидан бохабарлигини ошириш мақсадида «Экосан»нинг ташаббуси билан республикамизда бир неча йиллардан буён «Экология ва саломатлик кунлари» уч босқичда ўтказиб келинмоқда. Унда ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, саноят, транспорт, қишлоқ ҳўжалик ташкилотлари жамоалари, аҳоли иштирок этиб келмоқда. Тадбир дастурига кўра табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги, атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва бурчлари, экологик ҳолатни яхшилаш масалалари бўйича тарғибот ишлари, табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш, айниқса хазонлар ёқишининг олдини олиш борисиде ишлар олиб боришмоқда, уларни компост қилиш учун махсус жойларни ажратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, аҳоли орасиде ўтказган сўровларимиз шуни кўрсатдики, аҳоли хазонлар ёқишининг салбий оқибатлари тўғрисида умумий тушунчага эга, лекин, барибир хазон ва чиқиндиларни ёқиш ҳоллари учрамоқда. Шу боис аҳоли ўртасиде тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарур. Ҳар бир уй-жой мулкдорлари ширкати «Махсустрэн» билан шартнома тузиб, чиқиндиларнинг ўз вақтида

олиб чиқиб кетилишини таъминлаш ва назорат қилиши керак. Шунингдек, барча туманларда хазонларни тўплаш ва компостлаш учун махсус жойлар ажратилиши лозим.

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишини таъминлаш мақсадида жамоат эшитувларини ўтказдик ва унда хазонлар ёқиши масаласига алоҳида эътибор қаратдик. Умуман, атроф-муҳит муҳофазаси жараёни самарасини ошириш мақсадида «Экосан» ташкилоти мунтазам равишда жамоат эшитувларини ташкил этиб келмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керак, «Экосан» ташкилоти «Экология ва саломатлик кунлари» дастурига асосан хазонларни ёқишнинг олдини олиш, уларни компост қилиш учун махсус жойлар ажратилишига алоҳида аҳамият бериш, ушбу масалалар бўйича мутасадди ташкилотлар, айниқса уй-жой мулкдорлари ширкатлари, «Махсустрэн» ходимлари, маҳалла қўмиталари билан биргаликда хазонлар ёқиши бўйича муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш, аҳоли ўртасиде ташвиқот ишларини амалга ошириш ва бу жараёнда оммавий ахборот воситалари иштирокини кучайтириш мақсадида «Кузги хазонрез даврида экология ва саломатлик масалалари» мавзусида давра суҳбати ўтказдик. Бундан мақсад, она табиатимиз мусоффолигини, халқимиз саломатлигини сақлаш, авайлаб-асрашдан иборатдир.

Суҳбатдош Дилором ИКРОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!
«МАХСУСТРАНС» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
БОШҚАРМАСИ**

қаттиқ маиший ва суяқ ҳолдаги чиқиндиларни аҳоли, ташкилот ва корхоналардан олиб чиқиб кетиш тарифи 2008 йил 1 ноябрдан ошганлиги ва қуйидаги суммани ташкил қилишини маълум қилади.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш:
— 1 нафар одамдан 400-00 сўм
— бюджет ташкилотларидан 1м3 учун — 9104-00 сўм.

ҚҚСсиз
— хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1м3 учун — 15961-00 сўм. ҚҚСсиз.

Суяқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш:
— бюджет ташкилотларидан 1 тоннасига 3511 — 00 сўм. ҚҚСсиз

— хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1 тоннасига — 4925-00 сўм. ҚҚСсиз

Қаттиқ маиший чиқиндилар (супуринди):
— бюджет ташкилотларидан 1 соатига — 7161-00 сўм. ҚҚСсиз

— хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1 соатига — 10044-00 сўм. ҚҚСсиз

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 27 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилаётган корхоналар рўйхати:

№	Корхона номи	Миллати	СТПР	Рўйхатни олишни қарор қилиш ва рақами	ХУТ (ОКПО)	Хўжалик судининг қарори рақами ва санаи
1	FUTURE-SERVIS	ШХ	205240587	06.10.04 000558-03	19781566	10-0804-13212 27.10.08
2	AMANTE TOUR	МЧК	205373761	31.01.05 000747-03	19881641	10-0804-13289 27.10.08
3	AFSONAVIY-YULDUZ	ШХ	205207697	25.08.04 0000497-03	19742508	10-0804-13290 27.10.08
4	MIRROR	МЧК	204231994	28.10.02 1265	18721097	10-0804-13291 27.10.08
5	KRISTINA-SERVIS	МЧК	300136201	15.01.07 002299-03	21564385	10-0804-13293 27.10.08
6	GLOBAL BUSINESS TECHNOLOGIES	МЧК	300076048	11.12.06 002248-03	21464086	10-0804-13294 27.10.08

Мақсуд корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалок муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади.

Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод тумани ҳокимлиги Корхоналарни тугатиш доимий ишловчи махсус комиссиясига муурожаат қилишлари мумкин.

Ўқувчиларнинг кузги таътил кунларида 4 НОЯБРДАН 11 НОЯБРГАЧА

Тошкент Давлат цирки барчани «Кувнок карусел» цирк дастурига **ТАКЛИФ ЭТАДИ**
Унда Каптарлар, Мушуклар, Йўлбарссимон питон Жорик, Дакана отлар, Ламалар, Кучукчалар, Акробатлар, Гимнастлар, Чавандоз аёллар ва албатта, **КУВНОК МАСХАРАБОЗЛАР** маҳоратидан баҳраманд бўласиз!!!
Циркимизга келинг, бирга яйраб-кувнаймиз!!!
Томошлар соат 11.00, 13.00, 15.00 да бошланади.
Маълумотлар ва жамоавий тарзда келиш учун буюртмалар учун қуйидаги телефонларга муурожаат қилинг:
244-35-91
244-32-23
244-35-94



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3298 нусхада босилади.
Қағоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида териди ва саҳифаланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханаси. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41-уй.